

бошқаришда кўриниши керак. Таълим тизимида ягона давлат сиёсатини юритиш ўзбекистонда ҳам, қўплаб бошқа мамлакатларда ҳам уни бошқаришнинг муҳим вазифасидир.

Етинчидан, ҳозирги таълим тизимини бошқаришнинг асосий тамойилларини белгилаш муҳим бўлиб, унга қуйидагилар киреди: тизимни ривожлантириш бўйича умумдавлат, халқаро, глобал даражаларда фаол сиёсат юритиш; тизимлилик; таълим муаммоларини ҳал қилишга турли ижтимоий институтлар, корхона ва оилаларни жалб этиш; таълим муассасалари мустақиллиги; таълимни бошқаришни марказдан холи қилиш, компетенциялар, ваколат ва жавобгарликларни унинг турли даражалари ўртасида ажратиб белгилаш принципини ривожлантириш ва амалга ошириш; таълим соҳасидаги давлат ролини ўзгартириш; рақобатли таълим муҳитини ривожлантириш.

Саккизинчидан, меҳнат бозори ва таълим тизимини мувофиқ ҳолда ривожлантириш, халқаро бозор муносабатларига тўлиқ қўшилиш зарурияти бу соҳани бошқариш ҳамда тартибга солиш хусусиятларини халқаро стандарт ва қонунларга мувофиқлаштиришни кун тартибига қўймоқда. Узлуксиз таълим профессионал таълим соҳаси доирасидан чиқиб инсон ресурсларининг бутун умри давомида эгалланадиган таълимга айланиши халқаро тажрибанинг муҳим элементидир.

Тўққизинчидан, меҳнат бозорини кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш орқали такомиллаштириш бу икка тизим фаолиятининг натижавий кўрсаткичларини мувофиқлаштириш методикаларини яратишни, мавжуд кўрсаткичларни эса янада амалиётга яқинлаштиришни талаб қилади. Ушбу вазифани ҳал этиш имконини берадиган индикаторлар сифатида меҳнат талаб тақлифининг нисбати, меҳнат динамикаси, яширин ишсизлик миқёси, аҳолининг турмуш даражаси каби кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур.

Ўнинчидан, кадрлар тайёрлаш тизимини иқтисодий жиҳатдан бошқариш механизмни такомиллаштиришда бу борадаги мавжуд хорижий тажрибани ўрганиш, зарур бўлса қўллаш долзарб масаладир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов. И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // "Халқ сўзи", 2014 йил 18 январ, № 13 (5943)
2. Знания на службе развития. Отчет о мировом развитии 1998/1999. М.: Издательство "Весь мир" - Всемирный банк. – 1999. –14-б.

ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ОПТИМАЛЬНОГО СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ КОЛЛЕКТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОЛОВЧИНСКОЙ ШКОЛЫ В АСПЕКТЕ ПЕДАГОГИКИ СОТРУДНИЧЕСТВА

ХОЛОД В.Л., БГНИУ, Белгород

Передовой опыт деятельности образовательных организаций, реализующих идею педагогики сотрудничества, показывает, что такое развитие коллективной деятельности является необходимым условием эффективного функционирования любой воспитательной системы, для которой характерны:

- направленность коллективной деятельности на удовлетворение насущных потребностей самих воспитанников, их коллективов, других социальных объединений и т.д.;
- последовательное усложнение их деятельности, движение детских коллективов вперед и всемерное развитие на этой основе духовных и физических сил воспитанников, их социально-оправданных потребностей и способностей;
- учет возрастных особенностей детей и подростков, их интересов, способностей.

Оно возможно лишь в единстве с формированием у детей и подростков на всех этапах положительного отношения к учебной и общественной деятельности, к коллективу как ее субъекту, к его целям, его планам, его материальным ценностям. Его формирование выступает ведущей задачей деятельности педагогического коллектива, эта задача должна последовательно и на все более высоком уровне решаться в каждом объединении воспитанников, по отношению к каждому воспитаннику. На фоне научно-обоснованного решения этой ведущей задачей воспитательной работы возможно решение, других и, в первую очередь, учебных задач.

Организация оптимального социального развития коллективной деятельности воспитанников в единстве с формированием у них положительного отношения к этой деятельности, как проявления правильного, гуманистического отношения к людям, к окружающему миру, есть главное звено в работе, направленной на обеспечение эффективного функционирования школы, ее подразделений как педагогических систем.

Деятельность школы направлена на всестороннее развитие воспитанников, на формирование их творческой индивидуальности, на основе активизации и интенсификации их деятельности. Формирование потребностей ученика - стержневая линия в духовном и физическом развитии воспитанника, но обеспечено оно может быть лишь как результат удовлетворения уже имеющихся у личности потребностей, и именно способы и средства их удовлетворения предопределяют, как будут развиваться у воспитанников новые потребности.

Из этого следует вывод: необходим подбор средств и способов удовлетворения потребностей с целью их развития как все более социально-ценными. Детям в силу их природных данных от рождения присущи

кардинальные потребности, которые составляют его сущностные характеристики. Это потребности в познании, в движении, в общении, тяге к красоте и одухотворенности.

Педагогический коллектив школы в течение последних двадцати лет как раз и направляет свои усилия на обеспечение полноценного развития этих и других, социально-ценных потребностей.

Оптимальное социальное развитие коллективной деятельности - это, прежде всего, развитие ее целей. Для их развития педагогами школы используется хорошо себя зарекомендовавшая идея "ключевых" дел. Вокруг них строится разнообразная организаторская, познавательная, исследовательская и иная деятельность обучающихся.

При этом выдвигаемые цели, в ходе коллективного взаимодействия, сотрудничества, воспринимаются большинством членов коллектива как собственные. Это одно из кардинальных требований к организации деятельности воспитанников и всей учебно-воспитательной работы школы. Ведь разрыв между предлагаемыми воспитанниками делами и их собственными личными устремлениями - одно из зол в работе школ, резко снижающих эффективность их деятельности, сводящие на нет усилия педагогов, какими бы они ни были большими.

Разнообразие целей, выдвигаемых педагогическим коллективом, есть предпосылка разнообразия деятельности ее воспитанников. Оно позволяет найти каждому из них "дело по душе", в котором он мог бы проявить себя, утвердиться в глазах окружающих, развить свои склонности и способности. Не менее важна и другая задача, решаемая педагогическим, родительским и ученическим советами - находить среди разнообразных коллективных целей главные, ведущие, достижение которых позволит уже на этом этапе заметно улучшить жизнь в самих первичных коллективах школы и продвинуться вперед на путях совершенствования его деятельности.

Систематическое выдвижение и достижение таких целей служит необходимым условием объединения ее воспитанников в единый коллектив. Оно позволяет включить их в систему социально-ценных отношений "личность - первичный коллектив - коллектив школы - общество". Включение обучающихся в них содействует осознанию ими себя членами коллектива, формированию воспитанников как активных и ответственных граждан своей Родины - России. Поэтому педагогический коллектив нашей школы в ходе научно-педагогического поиска посчастливилось разработать и апробировать на практике методику реализации этих требований.

В качестве элементов оптимального социального развития коллективной деятельности обучающе-воспитательной, светской, общеобразовательной, гуманистической школы с углубленным изучением предметов, осуществлено:

- ♦ обеспечение высокого уровня учебного процесса, соответствия его обучающе-воспитательному содержанию, требованиям, предъявляемым статусом и уставом такого типа образовательной организации;

- ♦ постоянное совершенствование содержания и методики организации воспитательно-образовательного процесса на основе использования новейших дидактических технологии и нового Федерального образовательного стандарта (школа уже реализует, в порядке эксперимента в регионе, ФГОС 3-го поколения в 1-6 классах!);

- ♦ создание каждому из обучающихся условий для достижения осязаемого успеха в учебном процессе. К 2014-2015 учебному году обеспечено:

- развитие новых дидактических технологий, получение дополнительного "надбазисного образования" путем углубленного изучения отдельных предметов;

- компьютеризация учебного процесса, придача ему исследовательского характера (в школе успешно используются имеющиеся 3D-принтеры и компьютеры);

- широкое использование проблемного и проектного обучения (это тема осуществляемого на базе школы-инновационной площадки формирующего эксперимента);

- развитие межпредметных связей;

- укрепление здоровья обучающихся.

Здоровье - высшее благо, как известно, важнейшая ценность жизни, поэтому развитие у воспитанников потребностей в здоровом образе жизни, должно быть необходимым элементом оптимального социального развития деятельности гимназии. Опыт второй половины XX века убедительно свидетельствует: состояние здоровья человека зависит не только от условий его жизни и наследственных задатков, но также от его *собственного отношения к здоровью. В настоящее время особое внимание должно быть уделено изучению возможностей школьника в формировании своего здоровья и разработке критериев предотвращения его перехода из приспособительных реакций в патологические.*

В настоящее время школа стала региональной экспериментальной площадкой по этому направлению. Под руководством главы района и белгородских учёных здесь создаётся «Школа здоровья».

Предстоит создать систему Головчинской школы с углубленным изучением предметов в этом направлении с учетом:

- предполагаемой умственной нагрузки на воспитанников в учебной и внеучебной работе;

- организации системы разнообразной внеклассной работы воспитанников на всех ступенях их обучения, что вместе с учебным процессом должно явиться основой всестороннего развития учащихся;

➤ обеспечения психолого-медико-педагогического сопровождения каждого ребенка, выработке совместно с ним и родителем индивидуального образовательного маршрута.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИДА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

ХУЖАНИЯЗОВА Г.Ю., САПАЕВА Ф.Н., ТАТУ Урганч филиали, Урганч

Педагогик атамалар луғатида баркамол шахс тушунчасига шундай таъриф берилган. Баркамол шахс – камолотга етган, бекаму кўст, тўла –тўқис инсон, ақлан ва ахлоқан пок, жисмонан соғлом, нафосатли, жамиятда ўзлигини таниган, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор, ташаббускор, ишбилармон, фидойий шахс. Бундай хислатларга эга бўлган шахсни етиштиришда эса, узлуксиз таълим босқичлари муҳим ўрин тутди. Чунки унинг ҳар бирида баркамол шахсни тарбиялаш асосий шартларидан бири эканлиги вазифа ва мақсад қилиб қўйилган. Зеро, педагогиканинг методологик омили бу шахс тарбияси бўлиб, уни баркамол шахс бўлиб ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Замонавий педагогиканинг асосий мақсади эса, баркамол шахсни шакллантиришдан иборат.

Мазкур масала юзасидан, турли тарихий даврларда, турлича фикрлар, диний қарашлар ва фалсафий ёндашувлар мавжуд бўлган. Масалан, ибтидоий жамиятда тарбиянинг мақсади оддий бўлиб, шунчаки ҳаёт кечиришдан, ислом динимизда эса тарбия масаласи муқаддас Қуръони Карим оятлари, пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в)нинг ҳадиси шарифлари, буюк алломаларнинг китобларидаги ахлоқий қоидалар асосида таркиб топишидан иборат бўлган дейилади.

Бугунги кунда эса, тарбиянинг баркамол шахсни тарбиялашдаги аҳамияти кенг қирралидир. Шу сабабли, мазкур масалага оид юртимиз олимлари, педагогика фанининг етук мутахассислари ва тадқиқотчилари томонидан бир қанча илмий асарлар, докторлик ва номзодлик диссертациялари яратилган. Тарбия масаласи ва ёш авлодни тарбиялаш мавзусига муҳтарам Президентимиз асарларида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, республикамиз илмий-амалий конференциялари ҳамда анжуманларида музокарали муаммо сифатида алоҳида руқнлар ажратилган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2008 йилни “Баркамол авлод” йили деб эълон қилиниши, ёшларни ҳар томонлама етук, жисмонан ва маънан соғлом баркамол авлодни тарбиялаш мақсадини аниқ белгилаб берди.

Шахс ривожланиши бир сўз билан айтганда, муҳим жараён ҳисобланади. Чунки, ҳар бир бола улғайиб бориши натижасида ўзгариб боради яъни шахс сифатида камолга етиб боради. Инсон камолотидаги меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик, ақлий етуклик, ватанга бўлган муҳаббат, жисмоний етуклик, ўз касбига садоқатлилик каби тушунчалар табиийки тарбиянинг маҳсулидир. Шу билан бирга, инсон ақли, идроки ҳаётда ўз ўрнини топа олиши, халқига чин дилдан хизмат қилиши, инсофли бўлиши шахснинг узлуксиз таълим босқичларида олган тарбиясига боғлиқдир. Мазкур жараённинг самарали кечишида узлуксиз таълимда берилган билим, тарбия ва шахснинг ёши жуда муҳимдир.

Қуйида биз шахснинг узлуксиз таълим босқичларидаги фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. *Мактабгача таълим* даври. Бу ёшда бола жуда фаол ва ҳаракатчан бўлиб, асосан ўйин ўйнашга қизиқувчан бўлади. Ушбу даврдаги бола тафаккури аниқ тафаккур ҳисобланади. Чунки унда атрофдагилар билан қилган муомаласи натижасида маънавий қараш тушунчаси пайдо бўлади. Мактаб ёшига етганда эса, ўқувчиларда диққат, хотира, идрок, идрок қилиш қобилияти, ҳис-туйғу, ирода каби руҳий жараёнлар ривожланиб боради. Бунинг натажасида улар билим олишга ва бирор нарсани ўрганишга жуда қизиқувчан бўладилар. Бугунги кунда мазкур масалалар “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган талаблар асосида таълим ва тарбия ишлари ташкил қилинмоқда. Болаларга чет тиллари, айниқса инглиз тили сабоқлари, тасвирий санъат, мусика ва ахборот технологиялардан бошланғич билим бериб келинмоқда.

Умумий ўрта таълим. Бу босқичда бола ҳаётининг мураккаб даври бошланиб, у ўсмирлик ва ўтиш даврини ўз ичига олади. Бу жараёнда ўқиш ва билим олиш энг муҳим бўлиб, унда оила ва ўқитувчилар муҳим аҳамиятли шахслардир. Мазкур босқичда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари, уларда билим олиш эҳтиёжининг юзага келиши, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларнинг ўзлаштирилиши, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатлар, меҳнат, ижодий фикрлаш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиш, шунингдек, касб танлаш кўникмаларининг шаклланиши учун педагогик шарт-шароит яратилади. Таълимнинг ушбу босқичида ўқувчиларга баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун кенг қамровли тарбия бериб борилмоқда. Жумладан, уларни касб-хунарга йўналтириш, таълимнинг кейинги босқичларида таълим олишни давом эттиришлари ва келажақда бирор бир касбни танлаш лаёқатлари шакллантирилади.

Ўрта-маҳсус ва касб-хунара таълими босқичида ўқувчиларга Давлат таълим стандартларида белгиланган талабларга мувофиқ таълим берилади. Мазкур босқич ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг интеллектуал ривожланишига оид соҳалаштирилган ва касбга йўналтирилган таълим ва тарбия олиши амалга оширилди. Натижада ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши (олий ўқув юртлари қошида ташкил қилинган акедемик лецейларда) бўйича билмларини бойитиш ҳамда фанни чуқур ўрганишга йўналтирилган маҳсус ва замонавий касб-хунара кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Жумладан, таълимнинг ушбу босқичида ўқувчилар тегишли фанлардан назарий